**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**«UNICON.UZ» - ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**«UNICON.UZ» ДУК директори**
**_____________ М.М. Махмудов**
**2019 йил «___» _____________**

# Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими доирасида Туман сайлов комиссияларини яратиш учун фойдаланувчилар йўриқномаси

Тошкент - 2019й.

**Умумий қоидалар**

Ушбу Фойдаланувчи қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961-сон қарорини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Фойдаланувчи қўлланмасининг мақсади тизимда фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва ишлаш учун тавсия этиладиган қоидаларни белгилаш ҳисобланади.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан кейин – СЖБ АТ) Ўзбекистон Республикасидаги сайловлар жараёнини бошқариш учун барча хизматлар спектрини ўз ичига олган сайловлар учун мўлжалланган. СЖБ АТ сайлов комиссиялари учун Сайловларни Бошқариш Тизими (EMS), сайловчиларга хизматларни тақдим этиш учун Сайловлар тўғрисидаги статистика маълумотлари тизими (ESS)дан, шунингдек округ ва участка сайлов комиссияларининг манзиллари, округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек СЖБ АТ билан ишлаш бўйича номзодлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш ва юритиш қуйи тизимидан ташкил топган.

Ушбу Фойдаланувчи қўлланмасида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

**УСК** – Участка сайлов комиссияси;

**ТумСК** – туман сайлов комиссияси;

**ВилСК** – вилоят сайлов комиссияси;

**СК** – Сайлов комиссияси.

СЖБАТ – тизим.

## 1. Туман сайлов комиссиясига кириш

СЖБ АТга кириш учун **Логин ва паролни киритиш шакли** ойнасида (1-расм) қуйидаги қадамлар бажарилиши керак:

1-қадам **Фойдаланувчи логини** биринчи киритиш сатрига киритилади;

2-қадам **Фойдаланувчи пароли** иккинчи киритиш сатрига киритилади;

3-қадам Зарур бўлганда **Эслаб қолиш** белгиси қўйилади;

4-қадам **Кириш** тугмасига босилади;

5-қадам. Тилни танлаш.




1–расм - логин ва паролни киритиш шакли

## 2. Туман сайлов комиссияси

УСКнинг бош сахифасида:

1. **Сайловгача қолган вақт** – Сайлов жараёнигача қолган вақт хақида маълумот беради;

2. Бош сахифа чап томонидаги панельда қуйидагилар келтирилган:

– **Фойдаланувчилар** – тизимдан фойдаланувчиларни яратиш ойнаси;

– **Комиссия аъзолари/Ходимлар –** ушбу вилоят сайловчиларига жавобгар комиссия аъзоларини киритиш ойнаси;

– **Партиялар –** Партиялар хақида тўлиқ маълумот;

– **Номзодлар** – Номзодлар хақидаги маълумотлар;

– **ОСК** – Округ сайлов комиссиялари;

– **УСК -** Участка сайлов комиссиялари;

– **Сайловчилар** – Сайловчилар хақидаги маълумотлар;

– **Ташриф хисоботи** – Сайловчининг сайловга келганлигини қайд этиш;

– **Сайлов** – Сайлов жараёни ҳақидаги маълумотлар;

– **Овозлар** – шу даврга қадар йиғилган овозлар хақида маълумот;

– **Луғатлар** – сайтда келтирилган қисқартмаларни кенгайтирилган кўриниши.

3. **Бош сахифа тугмаси** – чап панельдаги қайси бўлимда бўлишдан қатий назар биринчи бош сахифага кайтариш имкони беради. **Танлов тугмаси** – қайси бўлинмада иш юритилаётгани хақида маълумот беради.

4. **Янгиликлар хақида огохлантирувчи** – сайтга тегишли янгиликлар ёки ўзгаришлар хақида огохлантиради.

5. **Сайтнинг тил танлаш** имконини берувчи тугмача ва шу сайида ишлаётган ходимнинг қайси вилоят/округ/участка сайлов комиссияси ичида фаолият юритаётгани хақида маълумот кўрсатиб туради.

6. **Рўйхатдан ўтган сайлов участкалари** умумий сони**.**

7. **Рўйхатнинг бети** тартиб рақами.

- Шу билан бирга рўйхатдан ўтган участкаларни қидириш имконини бурувчи модуль яратилган.




2-расм – туман СК бош сахифаси

## 3. Фойдаланувчи яратиш

Янги фойдаланувчини яратиш учун бошқарув панелидаги **Фойдаланувчи** бўлимига кирилади. **Фойдаланувчи** бўлимига киргандан кейин, **Яратиш** тугмасига босилади, шундан кейин **Фойдаланувчини яратиш шакли** очилади.




3-расм - янги **фойдаланувчи**ни яратиш тугмаси.

Янги **Фойдаланувчи**ни яратиш учун қуйидаги маълумотларни киритиш лозим:

- Ташкилот тури – Ташкилот тури киритилади;
- Ташкилот – Ташкилот номи;
- Логин – Тизимда фойдаланиш учун логин;
- Пароль – Тизимга кириш учун ишлатиладиган пароль;
- Парольни қайта тасдиқлаш;
- Роль;

Қидирув хизматида сиз ОСК ва УСКлардаги фойдаланувчиларни куриш имкониятига эга бўласиз. Хамма керакли маълумотлар киритилгандан сўнг бекор қилишшингиз мумкин (2) ва сақлашингиз (1) мумкин бўлади (4-расм)




4-расм - Киритилган маълумотларни бекор қилиш ва сақлаш тугмалари

Шу билан бирга рўйхатга олинган Фойдаланувчи маълумотларини берилган ролига биноан ўзгартириш имкони мавжуд, бунинг учун УСК рўйхатидаги маълумотлар ўнг томонидаги 3 нукталар тўпламини босиб, пайдо бўлган “Ўзгартириш” тугмасини босиш лозим. (5-расм).




5-расм – қўшилган фойдаланувчига ўзгартириш киритиш

**Ўзгартириш** кнопкасини босганиздан сўнг, янги очилган сахифада сиз фойдаланувчини паролини алиштиришингиз мумкин (6-расм).




6-расм - фойдаланувчини паролини алиштириш

## 4. СК аъзолари ва ходимларни яратиш

Янги Фойдаланувчини яратиш тугаганидан кейин **СК аъзолари ва ходимларни** яратиш керак. СК аъзолари ва ходимларни яратиш панели қуйидаги расмда келтирилган (5-расм). Қидирув хизматидан сиз ОСК ва УСК рўйҳатидан керакли ходимларни топишингиз мумкин. **Яратиш** тугмасини босиб сиз янги СК аъзоси ёки ходимини тизимга керакли сайлов комиссиясига қўшишингиз мумкин.




7-расм – СК аъзоси ва ходимини қўшиш

СК аъзоларини ва ходимларини яратиш учун **Яратиш** тугмага босилади ва пайдо бўлган ойнадаги паспорт серияси киритилади (7-расм).




8-расм – паспорт серияси киргизиладиган панель




9–расм - СК аъзолари ва ходимларни яратиш учун ойна

СК аъзолари ва ходимларни яратиш шакли қуйидаги босқичлардан иборат:

- Шахсий маълумотлар;
- Қўшимча маълумотлар;
- Вазифаси.

**Шахсий маълумотлар** шакли қуйидаги ахборотдан иборат:

1. Фотосурат – тугма ёрдамида **очилади**, фойдаланувчи профилига ўрнатиш учун фотосуратга йўл кўрсатилиши керак;
2. Исм;
3. Фамилия;
4. Отасининг исми;
5. Жинси – вариантлардан бирини танлаш зарур;
6. Туғилган санаси;
7. Миллати – рўйхатдан танлаб олинади;
8. Паспорт серияси ва рақами.

Ушбу шакл тўлдирилгандан кейин **Кейинги** тугмаси ёрдамида кейинги **Қўшимча маълумотлар** босқичига ўтиш ёки **орқага тумаси**ни босиб олдинги сахифага ўтиш мумкин. Тугмага босилгандан кейин кейинги шакл очилади (10-расм).




10–расм **- қўшимча маълумотлар**ни киритиш шакли

**Қўшимча маълумотлар** шакли қуйидаги ахборотни ўз ичига олган:

1. Телефон рақами – боғланиш учун ходимнинг телефон рақами;

2. E-mail – ходимнинг электрон манзили;

3. Маълумоти – рўйхатдан танлаб олинади;

4. Илмий даража – рўйхатдан танлаб олинади;

5. Илгари комиссияларда иштироки – рўйхатдан танлаб олинади;

6. Касби – рўйхатдан танлаб олинади;

7. Вилоят – рўйхатдан танлаб олинади;

8. Туман/Шаҳар – рўйхатдан танлаб олинади;

Ушбу шакл тўлдирилгандан кейин **Кейинги** тугмаси ёрдамида кейинги **Вазифаси** босқичига ўтиш мумкин. Тугмага босилгандан кейин кейинги шакл очилади (11-расм).




11-расм - **вазифаси**ни киритиш шакли

Мазкур ойнада қуйидагилар тўлдирилади:

- Ташкилот тури;
- Ташкилот;
- Комиссиядаги роли;
- Ходимнинг роли.

Ушбу шакл тўлдирилгандан кейин **Сақлаш** тугмасига босилади, юқорида киритилган барча маълумотлар жойланган ойна очилади. Маълумотларни тасдиқлаш ва сақлаш учун **Сақлаш** тугмасига босиш керак (12-расм).




12-расм - яратилган ходимнинг рўйхатга қўшилиши

Яна битта СК аъзоси ёки ходимни яратиш зарур бўлганда **Яна яратиш** тугмасига босилади ва юқорида тавсифланган барча хатти-ҳаракатларни бажариш керак.

Яратилган ходимни рўйхатга қўшилгандан сўнг киритилган маълумотларини ўзгартириш имкони бўлиб уч нуктали белгини устига босилади ва пайдо булган ойначадаги маълумотларга ўзгартириш киритиш мумкин (13, 14, 15-расмлар).




13–расм - яратилган ходим маълумотига ўзгартириш киргизиш




14-расм – қўшимча маълумотларни киргизиш

15-расмда сиз керакли маълумотларни киргизиб (1) тугмасини **Сақлаш** тугмасини босилади.




15-расм – СК аъзолари ва ходимларини ролини ўзгартириш

## 5. Партиялар

Бош менюни кейинги бандига ўтсангиз **Партия** ҳақида маълумотлар кўринади. **Партия** саҳифасида: (16-расм):

- Партия номи;
- Партия раисининг ФИШ;
- Депутатлар – партиядаги депутатлар сони;
- Номзодлар – Номзодлар сони.




16-расм – партия сахифасини менюси

Бу ерда уч нуқтали тугмачани босангиз:

1. Партия хақидаги маълумотларни кўриш имконини беради;
2. Номзодлар хақидаги маълумотларни кўриш имконини беради.




17-расм – партия хақидаги маълумот

Номзодлар ҳақидаги маълумотларни кўрмоқчи бўлсак, бош менюдаги **Номзодлар** банди тугмасини босиб ўтамиз (18-расм).




18-Расм – номзодлар саҳифаси

Ушбу саҳифада тизимга киритилган номзодларнинг ФИШ, туғилган санаси, паспорт серияси ва телефон рақами кўрсатилади ҳамда қидирув хизмати йўлга қўйилган:

1. Партияни қидириш поляси;
2. Сайлов типи;
3. Қидирув тугмаси.

## 6. Округ сайлов комиссияси

Ушбу панелда туман/шахар учун округ сайлов комиссияси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган. Бу ерда яратилган округлар рўйҳати, уларни ичида нечта участка, СК аъзолари/ходимлари ва сайловчилар сони акс этган. **Яратиш** тугмасини босиб, сиз очилган янги ойнада ОСК қўшишингиз мумкин. (19-расм).




19-расм – округ сайлов комиссияси панели

Янги очилган ойнада Сайлов типига **Туман** ни танланади.




20-расм – сайлов типини танлаш

Янги ОСКни яратиш жараёнида қуйидаги маълумотлар киргизилади:

- ОСКни номи;
- ОСКни номери;
- Вилоят;
- Туман;
- ОСКни адреси;
- Ушбу ОСКни қарор номери;
- Мўлжал;
- Телефон рақами;
- Бино - ушбу ОСК қайси бинода жойлашган;
- Кадастр рақами;
- Сайловчилар сони;
- Участкалар сони;




21-расм – ОСК хақидаги маълумотлар киритиладиган панель




22-расм – ОСКни холати

Ушбу ойнада ОСКни холати хақида маълумотлар киритилади (20-расм):

- ОСКни биносини холати;
- Компьютерлар сони;
- 4 МБ/с кам бўлмаган интернет тезлиги;
- Сканер мавжудлиги;
- Принтер мавжудиги;
- Ички байроқлар мавжудлиги;
- Ташқи байроқлар мавжудлиги.

## 7. Участка сайлов комиссияси

Ушбу панелда участка сайлов комиссияси хақидаги маълумотлар кўрсатилган. Қидирув хизмати орқали сиз ўзизга керакли УСКни топишингиз мумкин бўлади (23-расм)




23-расм – участка сайлов комиссияси панели

УСК ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун ёки ўзгартириш киритиш керак бўлса ушбу тугмачани босиб, **Ўзгартириш** тугмаси босилади. **Ўзгартириш** тугмаси босилгандан кейин, янги очилган саҳифада УСК ҳақида тулиқ маълумотлар акс этган панель очилади:

- УСК номери;
- Вилоят;
- Туман/шахар;
- УСК адреси;
- Ушбу УСК қарор номери;
- Бошқа участкалар билан чегарадош хақидаги маълумот;
- Мўлжал;
- Телефон рақами;
- УСК жойлашган бино;
- Кадастр рақами;
- Сайловчилар сони.




24-расм – УСК ҳақида умумий маълумотлар

**Кейинги** (1) тугмасини босилгандан кейин УСК холати ҳақидаги маълумотлар тўлдириш панели очилади ва қуйидаги маълумотлар (25-расм) киргизилади:

- УСК биносини холати;
- Компьютерлар сони;
- 4 МБ/с кам бўлмаган интернет тезлиги;
- Сканер мавжудлиги;
- Принтер мавжудиги;
- Ички байроқлар мавжудлиги;
- Ташқи байроқлар мавжудлиги;
- Урналар сони;
- Ногиронларга ажратилган кабиналар сони.




25-расм – УСК холати бўйича маълумотлар

## 8. Сайловчилар

Сайловчилар ҳақидаги маълумотларни олиш учун бош менюдаги **Сайловчилар** бандига ўтиш зарур бўлади (26-расм). Қидирув хизматида сиз ОСК номи, Сайловчининг паспорт серияси ва рақами, санаси ҳақидаги маълумотларни киргизиб топишингиз мумкин.




26-расм - сайловчилар

Сайловчилар бош саҳифасида сайловчилар рўйҳати, сайловчининг паспорт маълумотлари киритиладиган тугмаси ҳамда санаси, ФИШ, жинси, туғилган санаси ва яшаш жойи маълумотлари акс этган.

## 9. Ташриф хисоботи

Сайловда иштирок этган сайловчиларни қайд этиш учун бош саҳифани сайловда **иштирок этган сайловчиларни қайд этиш** бандига ўтилади (27-расм).




27-расм – сайловда иштирок этган сайловчилар хисоблаш панели

Ушбу панелда, сайловда иштирок этган сайловчиларни қайд этиш, Бюллетень, Сайлов комиссияси номи, сайлов типи (1), ТумСК (2), ОСК (3), УСК қидириш поляси (4), фоизи (5), умумий сайловчилар сони, сайловчиларнинг иштироки (процентда) ва иштирок этган вақти акс этган маълумотлар.

**Бюллетень** тугмасини босиб ўтадиган бўлсангиз, сайлов комиссияси номи, умумий сайловчилар сони, йиғилган бюллетень сони, амал қиладиган бюллетень сони ва амал қилмайдиган бюллентеньлар сони акс этган ойна чиқади (28-расм).




28-расм – бюллетень банди

## 10. Сайлов жараёни

Бош менюнинг **Сайлов** бандига ўтиб, Сайлов ҳақидаги маълумотларни кўришингиз мумкин бўлади. Панельдаги **Сайловлар** тугмачасини босангиз, сайлов жараёни бўйича барча маълумотлар кўринади (29-расм), хамда сайлов типи ва сайлов жадвали тугмаларини босиб, барча маълумотларни кўришингиз мумкин (30-расм).




29-расм – сайловлар




30-расм – сайлов ҳақидаги маълумотлар

## 11. Сайловчилар овози

Бош менюнинг **Сайловчилар овози** тугмасини босангиз, Сайловчилар овози ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлади (31-расм).




31-расм – сайловчилар овози

Панельда Қидирув хизматида сайлов типи (1), ТумСК (2), ОСК (3), УСК (4) ва фоизи (5) полялари мавжуд хамда кўйидаги маълумотлар акс этган:

- Номзоднинг фамилияси, исми, шарифи;
- Қайси партия аъзоси эканлиги;
- Қайси типдани сайлов;
- Овоз берганлар сони;

## 12. Луғатлар

Сайлов бўйича сўзлар луғати билиш учун бош менюда **луғат** тугмасини босилади.




32-расм – қисқартма сўзлар луғати

Панельда қўйидаги маълумотларни кўришингиз мумкин:


- Қидирув ҳизмати, сўз номи ҳамда унинг маъноси.




33-расм – сайлов комиссияси хақидаги луғатдаги номлари